XALQ DEPUTATLARI BUXORO SHAHAR KENGASHINING QARORI

2022 - yil 25 - noyabr VI-81-164-2-42-K/22 Buxoro shahar hokimligi

Бухоро шаҳрида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида

Бухоро шаҳрида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисидаги масалани муҳокама қилиб, халқ депутатлари Бухоро шаҳар Кенгаши

Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бухоро шаҳрида жамоат хавфсизлигини таъминлаш, жиноятчиликни олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигини янада ошириш тўғрисида Бухоро шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Б.Шариповнинг хати маълумот учун қабул қилинсин.

2. Бухоро шаҳарда фаолият юритаётган барча кафе, бар, ресторан(умумий овқатланиш жойлари), тунги клублар, чилимхоналар(калянхона), компьютерхоналар фаолиятини эрталаб соат 06:00дан кечги соат 00:00гача қилиб белгилансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 24 июлдаги “Тунги вақтда фаолият юритувчи умумий овқатланиш корхоналари ва кўнгилочар объектларда жамоат хавфсизлигини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 624-сонли қарорининг иккинчи бандида кўрсатилган талабларни бажарган барча кафе, бар, ресторан(умумий овқатланиш жойлари), тунги клублар, чилимхоналар(калянхона), компьютерхоналар 24 соатни ташкил этилиши мумкинлиги инобатга олинсин.

4. Ушбу қарорнинг 2-3-бандларида белгиланган талаблар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 11 майдаги "Хизматлар соҳасини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги ПҚ-5113-сонли қарорига мувофиқ йирик шаҳарлар, вилоятлар ва туманлар марказларида ташкил этиладиган савдо ва кўнгилочар кўчаларда туну кун фаолият юритувчи савдо ва хизмат кўрсатиш объектларининг фаолиятига нисбатан татбиқ этилмайди.

5. Бухоро шаҳар ички ишлар органлари фаолиятини мувофиқлаштириш бошқармаси бошлиғи Б.Шарипов тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда:

- жиноятлар динамикаси, вақти бўйича асосий қисми кечки ва тунги вақтларда содир этилаётганлигига ҳамда олдини олиш мумкин бўлган жиноятчиликда салмоғи юқори бўлган жиноятларга алоҳида эътибор қаратиш ва бу борада тегишли чора-тадбирлар белгилаб олиш;

- маҳалла фуқаролар йиғинларида муаммоларни “маҳаллабай”, “оилабай” ва “фуқаробай” аниқлаб, ҳал этиш орқали ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш бўйича “ижтимоий профилактика” тизимининг натижадорлигини ошириш;

- ҳудудлардаги криминоген вазият оғир маҳаллаларда, бозорлар ва аҳоли гавжум жойларда замонавий видеокузатув воситаларини ўрнатиш;

- жамоат жойларида зиддиятли ҳолатларда фуқароларга тезкор ёрдам кўрсатиш мақсадида “SOS” ташвиш тугма қурилмаларини ўрнатиш ва уларни “Ситуацион марказ”ларига интеграция қилиш;

- фуқароларнинг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтиришдаги ҳуқуқий тарғибот ишларида бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорлик қилиш;

- банк-молия ташкилотлари ҳамда бошқа мутасадди давлат идоралари вакилларини жалб этган ҳолда кибермакон, интернет ва ижтимоий тармоқлар орқали содир этилаётган жиноятларни барвақт аниқлаш, шунингдек, аҳолини огоҳликка чақириш борасидаги чора-тадбирларни кучайтириш топширилсин.

6. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш халқ депутатлари шаҳар Кенгашининг Суд-ҳуқуқ масалалари ва коррупцияга қарши курашиш бўйича доимий комиссияси (Р.Казимова) зиммасига юклансин.

Кенгаш раиси **Ж.Носиров**